

Бунинг кетидан доимий хурсандчиликка эришдим



08:00 / 12.07.2020 1431

Солиҳ ибн Башир айтади: «Ато Сулаймийни вафотидан сўнг тушимда кўриб, «Аллоҳ сизни раҳматига олсин. Сиз дунёда жуда кўп маҳзун юрар эдингиз», дедим. У: «Аллоҳга қасамки, шу туфайли доимий хурсандчилик ва шодликка эришдим», деди. «Қайси даражадасиз?» деб сўрадим.

«Аллоҳнинг инъомига эришган зотлар, яъни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ кишилар билан бирга» (Нисо сураси, 69-оят) дея жавоб берди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан